



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Тижорат банкларида акциядор капитали ҳамда уни бошқариш билан рискларнинг ўзига хос жиҳатлари

Суннатулла Кудратов

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси мустақил тадқиқотчиси

Ёзишмалар учун электрон почта: kudratovsunnatulla15@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Тошпирилган вақти: 27.11.2023

Қабул қилинган вақти: 29.11.2023

Таянч сўз ва иборалар: тижорат банклари, акциядорлик капитали, рисклар, самарадорлик, молиявий барқарорлик, кредит, ресурслар.

Аннотация

Мақолада банк тизимини капитални жалб этиш ва етарли ҳажмда ишончилиги ва барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятини шаффофлигини таъминлаш, банк фаолиятининг барча иштирокчи томонларини қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш ҳамда банклар капиталини бошқариш билан рискларнинг назарий жиҳатлари очиқ берилган. Шунингдек, тижорат банкларида Банкка зарурий даражада капитал миқдорини белгилашга оид ёндошувлар ёритилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, акциядорлик капитали, рисклар, самарадорлик, молиявий барқарорлик, кредит, ресурслар.

Specific aspects of shareholder capital and its management in commercial banks

Sunnatilla Kudratov

Independent researcher of Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Corresponding author email: kudratovsunnatulla15@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 27.11.2023

Accepted: 29.11.2023

Key words: commercial banks, equity capital, risks, efficiency, financial stability, credit, resources.

Abstract

The article reveals the theoretical aspects of risks associated with attracting capital and increasing the reliability and stability of the banking system, ensuring transparency of banking activities, protecting the legitimate interests of all participants in banking activities, as well as managing banking capital. Approaches to determining the amount of required capital in commercial banks are also covered.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида банк тизимида юзага келган ликвидлилик ва капиталнинг етарлилик муаммоси, дунёдаги кўпчилик мамлакатлар банкларида капитални жалб этиш ва етарли ҳажмда ушлаб туриш билан боғлиқ муаммоларни юзага чиқармоқда. Банк бошқарувчилари учун “капитал” термини алоҳида аҳамиятга эга. У асосан, банк акциядори томонидан қўйилган ҳамда акциядор капитал, захира ва

тақсимланмаган фойда кўринишида акс этадиган маблағлардан иборат бўлади.

Банкларда капитал бир-қанча муҳим функцияларини бажаради, хусусан: янги банк фаолиятини бошлаш учун ресурс билан таъминлаш, ўсиш ва кенгайиши учун асос яратиш, банкни рисклардан ҳимоя қилиш, шунингдек, жамиятининг банк бошқаруви ва акциядорларига бўлган ишончини таъминлаш кабилар.

Тартибга солувчи институтлар институционал рискни пасайтириш мақсадида, молиявий

бозорлардаги кредитлар ва бошқа рискли активлар тахминан банк капитали даражасида бўлишини талаб қиладилар. Агар, банк ўз кредитлари ва депозитларини жуда тез кенгайтирадиган бўлса, унда у бозорлардан ва тартибга солувчи инстанциялардан, ёки ўсишини секинлаштириш, ёки қўшимча капитал жалб қилиш зарурлиги тўғрисида сигнал ола бошлайди. Тегишли институтлар томонидан капитални ҳолатини тартибга солиниши, банк фаолиятида юзага келадиган рисклар даражасини чегаралашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шу йўл билан, банк тизими мижозлар ишончини қозонади, ҳамда йирик депозитларни давлат томонидан суғурталаш тизимини ҳимоя қилади. Табиийки, халқаро даражада молиявий глобаллашувнинг кучайиши, капитал бозорлардаги рақобатнинг ортиши билан, банкларида акциядор капитални бошқариш орқали корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга бўлган эътиборни кучайтирмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Илмий изланишларда банкларида акциядор капитални бошқариш ҳамда тижорат банкларида корпоратив бошқарув жорий қилиш механизмларнинг турли ёндашувларнинг мавжудлиги муаллифларнинг илмий қарашларида намоён бўлишини мумкин.

Тижорат банкларини активларини бошқариш бозор интенсивлигининг ошириб бориши билан юқори даромад ва риск даражасини маромида сақлаш банкларда баланснинг ҳар иккала томонини биргаликда бошқариш заруриятини юзага келтирди. Биринчи навбатда фоиз ставкасининг ўзгариши билан боғлиқ риск даражасини бошқаришда активларни бошқаришнинг асосий вазифаси – банк балансини барча қисмларини биргаликда бошқарувдир[1].

Шу билан бирга банк активларни самарали бошқариш сиёсати фоизлар кўринишидаги соф даромадни барқарорлаштириш ёки ошириш, ташқи муҳит кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда баланс таркибини оператив ўзгартириш, молиявий стратегияда белгиланган риск чегарасида фойдани максималлаштириш ўз ичига олиши лозимлиги қайд этилади[2].

Чунки, активларни бошқаришнинг мақсади банк бош стратегияси натижаларини баланс таркиби ва рентабеллигига кўра таҳлил қилиш орқали номуносивликни бартараф этиш ёки тўғрилаш ҳамда банк фаолиятини рисклардан ҳимоялашдир[3].

Шунингдек, тижорат банклари активларининг асосий турлари бўлган кредитлар ва кассали активларнинг сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор бериш, кредит портфелининг сифатини ошириш мақсадида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришни, кредит портфелини шакллантиришда диверсификация принципи қаттиқ риоя этиш муҳимдир[4].

Узоқ муддатли аспектда активларни бошқаришнинг асосий мақсади банк капиталининг

бозор қийматини максималлаштиришдан иборат. Банк капитали бозор қийматини ошириб бориш банкнинг ривожланиши ва назорат органларининг ошиб боровчи талабларини бажариш имкониятини яратади[5].

Баъзи муаллифлар тижорат банк активлари сифатини оширишда асосий эътибор уларнинг даромадлиги ва ликвидлилигига[6] ҳамда тижорат банкларининг юқори ликвидли активларини кассали активлар ва иккиламчи захиралар гуруҳларига ажратиш ҳисобига қаратилиши[7] ёки активларнинг сифати улардан олинadиган даромадларнинг барқарор даражасини таъминлашда ўз ифодасини топиши[8] активлар сифатининг ёмонлашиши улар билан боғлиқ харажатларнинг ўсишида ва активлардан олинadиган даромадларни пасайиш тенденциясининг юзага келишида[9] эканлигини қайд этишади.

Умуман олганда, тижорат банклари активларини бошқариш тизимда амалга оширилаётган муҳим институционал ўзгариш сифатида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, ҳар томонлама баҳолаш, мавҳум мантикий фикрлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Капитал билан банк rischi бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Капитал - бу банк эгалари томонидан riskни ўзига олиб, маблағни қўйишдир. Бу шундай riskки, бунда банк даромадлиги жуда паст бўлиши мумкин, ёки акциядорлар паст ёки ҳеч қанақа даромад олмаслиги мумкин. Банк эгалари кредит riskи, ноликвидлик riskи, фоиз riskи, операцион risk, валюта riskи ва суистеъмол riskига тортилган бўладилар.

Банклар юқорида қайд этилган riskлардан ҳимояланиш учун турли усуллардан фойдаланиладилар. Амалиётда банк эгалари ўз муассасаларини молиявий ҳолатини сақлашлари учун ишонадиган “ҳимоя халқаси” мавжуд. Улар орасида сифатни бошқариш, диверсификация, депозитларни суғурталаш ва ўз капиталининг етарлиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Сифатни бошқариш - юқори малакали бошқарувчилар томонидан банк учун жиддий қийин ҳолатлар юзага келмасданоқ, юзага чиқадиган муаммоларни олдини олиш, ёки ҳал этиш қобилиятидир.

Банкнинг жалб қилadиган ва ишлатадиган маблағларини диверсификация қилиш, riskларни пасайтиришнинг усулларида бири ҳисобланади. Банклар riskни пасайтириш учун одатда икки хил – портфель ва географик диверсификацияни қўллайдилар. Портфелли диверсификациялаш деганда банкнинг депозит ва кредитларини йирик ҳамда кичик фирмалар, турли соҳалар, турли даромад

ва гаров тўловларига эга кенг қўламли мижозлар ўртасида тақсимлаш тушунилади.

Одатда, географик диверсификация дейилганда, турли географик туманлар ёки турли иқтисодий шароитдаги мамлакатлар бўйича мижозларни жалб қилиш тушунилади.

Рисклардан ҳимоя қилишнинг яна бир йўли бу – депозитларни суғурталашдир. Кўпгина давлатларда омонатчилар маблағларини давлат суғурта корпорациялари томонидан суғурталаши ҳам жамият аъзоларининг банк тизимига бўлган ишончини таъминлашни мақсад қилиб олган. Ушбу корпорация банкларни банкротликдан сақлаб қолаолмасаларда, айрим банклар банкрот бўлганда, бошқа банклардан аҳолини оммавий тарзда ўз омонатларини олишини тўхтатиб туради. Бундан ташқари, ушбу корпорация томонидан банкларни текшириб туриш ваколатини мавжудлиги, ноқонуний ҳаракатларни тўхтатиш бўйича кўрсатмалари, банк бошлиқлари ва акциядорлари зиммасидаги рискни пасайтиради.

Ҳимоянинг барча воситалари издан чиқса, рискларни пасайтириш учун мулкдор капитали (ўз капитали) дан фойдаланилади. Ушбу капитал ҳисобидан мувоффақиятсиз кредитлар ва инвестициялардан зарарлар, шунингдек, бошқарув ҳолатлари ва қонунбузарлиги оқибатлари бартараф этилади. Банк юзага келган муаммони ҳал қилиш ва зарарларни қоплагунича ўз фаолиятини давом эттираверади.

Агар, банк зарари нафақат барча ҳимоя чизиқларини енгиб ўтадиган даражада, балки ундан йирикроқ бўлса, унда банк ўз эшикларини ёпишга мажбур бўлади. Ўз капитали бу – банкларнинг банкротликдан ҳимояловчи сўнги ҳимоя чегараси ҳисобланади. Шундай қилиб, банкрот бўлиш rischi қанчалик юқори бўлса, банк ўз капиталига шунча юқори миқдорда эга бўлиши керак бўлади.

Банк капиталининг бир-неча турлари мавжуд:

1. Банк томонидан чиқарилган оддий акциядорлик

капитали. Унинг қиймати оддий акцияларнинг номинал қиймати билан ўлчанади. Ушбу акциялардан даромадлар дивиденд тўловлари кўринишида директорлар кенгаши қарори асосида белгиланади ва ўзгарувчан бўлади;

2. Имтиёзли акциядорлик капитали бу – белгиланган даражада даромад (дивиденд) тўлаб бериш ваъда қилинган, акцияларнинг номинал қиймати билан ўлчанади. Имтиёзли акциялар муддатсиз, ёки маълум муддатга чиқарилган бўлиши мумкин;

3. Ортиқча тўлов, акция номинал қиймати билан акциядор ҳар бир акция учун тўлайдиган баҳо ўртасидаги фарқ;

4. Тақсимланмаган фойда. Соф фойданинг дивиденд кўринишида тўланмасдан инвестиция мақсадлари учун банкка қолдирилган қисми;

5. Заҳиралар бу – кўзда тутилмаган ҳолатлар, масалан, суд орқали тўлов талаб қилинадиган бўлса, ушбу тўловларни амалга ошириш учун маблағлар. Шунингдек, ҳали эълон қилинмаган дивидендларни тўлаш учун, муомаладан акцияларни олиш учун, ёки мажбуриятларни бажариш учун заҳиралар;

6. Субординат мажбуриятлар, ташқи инвесторлар томонидан қуйилган узоқ муддатли қарз капитали. Ушбу мажбуриятлар муҳимлиги бўйича омонатчилар олдидаги мажбуриятлардан кейин турсада, акциядорларга солиштирганда улар олдидаги мажбуриятдан олдинги ўринда туради. Ушбу қарз мажбуриятлари конвертирланадиган, яъни келажакда банк акциясига алмаштириладиган бўлиши ҳам мумкин.

7. Банкнинг бошқа компанияларнинг назорат бўлмаган пакет акциясини жамланмаси, яъни банкнинг бошқа соҳа корхоналаридаги улуши.

8. Акцияларини сотиш билан сўндирадиган қимматли қоғозлар узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобланади ва уларнинг сўндирилиши, фақатгина, акцияларни сотиш йўли билан амалга оширилади.

1-жадвал

Банк тизимида капитал таркибининг ўзгариш тенденцияси[10]

Кўрсаткичлар	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.
Жами регулятив капитал ҳажми, млрд.сўмда	24 231,1	52 466,8	58 162,0	70 191,1	83 413,0
I даражали капитал ҳажми, млрд.сўмда	22 146,3	43 659,2	48 140,5	58 624,2	67 793,5
I даражали капитал улуши, фоизда	91,4%	83,2%	82,8%	83,5%	81,3%
Асосий капитал ҳажми, млрд.сўмда	22060,6	43 621,60	48 027,7	58 428,9	67 598,1
Асосий капитал улуши, фоизда	91%	83,1%	82,6%	83,2%	81%
Қўшимча капитал ҳажми, млрд.сўмда	85,6	37,6	112,8	195,4	195,4
Қўшимча капитал улуши, фоизда	0,4%	0,1%	0,2%	0,3%	0,2%
II даражали капитал ҳажми, млрд.сўмда	2084,9	8 807,5	10 021,5	11 566,8	15 619,6
II даражали капитал улуши, фоизда	8,6%	16,8%	17,2%	16,5%	18,7%
Капитал етарлиги кўрсаткичи, фоизда	15,6%	23,5%	18,4%	17,5%	17,8%
I даражали капитал етарлиги кўрсаткичи, фоизда	14,3%	19,6%	15,2%	14,6%	14,5%

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланган нобарқарорлик банк капиталининг Базель халқаро келишувини юзага келтирди. 1987 йилда АҚШ федерал заҳирасининг бошқарув кенгаши ва 11 та ривожланган давлатлар вакиллари, ушбу мамлакатлар юрисдикцияларида жойлашган барча банклар учун қўлланиладиган капиталнинг янги

стандартларининг келишувини эълон қилдилар (Базель келишуви номи билан машҳур). 1988 йилда расмий кучга кирган ушбу стандартлар қуйидаги мақсадларни кўзлайди: “илғор банкларни ўз капитал позицияларини кучайтиришини рағбатлантириш; турли мамлакатларнинг тартибга солишидаги номутаносибликларни қисқартириш; кейинги

йилларда банклар томонида кўп қўлланилаётган мажбуриятларни балансда ташқарида ҳисобга олиш билан боғлиқ рискларни ҳисобини юритиш"ни назарда тутди[11]. Мамлакатимиз банк тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар асосан Базель-3 стандартига ўтказилган. Хусусан, тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар ҳам 2015 йилдан банк тизими босқичма-босқич Базель-3 стандартига мослаштирилди ҳамда бу жараён 2019 йил якунланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли "Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги низом талабларига кўра, тижорат банкларида регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати 13 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги барча активларнинг 3,0 фоизи сифатли I даражали капитал бўлишини ҳисобга олган ҳолда биринчи даражали капитал етарлилиги 10,0 фоиз миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Таҳлил натижаларига кўра, 2019 йил 1 январь ҳолатига банк тизимида регулятив капитал етарлилик кўрсаткичи 15,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 17,8 фоизни ташкил қилган. Шу билан бирга тижорат банкларида I даражали капитал етарлилик кўрсаткичи 2019 йил 1 январь ҳолатига 14,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 14,5 фоизни ташкил қилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, тижорат банкларимиз капиталини оширишга имкониятлар мавжуд. Хусусан, юқорида келтирилган низом бўйича тижорат банкларида I даражали капитал регулятив капиталнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги, ҳамда I даражали асосий капитал банк регулятив капиталининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Бундан кўринадики, тижорат банкларида биринчи даражали қўшимча капиталини умумий капиталнинг 15 фоизигача ошириши мумкин. Аммо банкларимиз бу имкониятдан унумли фойдалангани йўқ. Статистик маълумотларга кўра, тижорат банкларида 2019 йил 1 январь ҳолатига биринчи даражали қўшимча капитал регулятив капиталнинг 0,4 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йил 1 январь ҳолатига 0,2 фоизга пасайган.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилишимиз мумкинки, банк тизимида биринчи даражали қўшимча капитални ошириш учун тижорат банкларида тўлиқ тўланган нокумулятив муддатсиз имтиёзли акцияларни, имтиёзли акцияларни биринчи марта жойлаштирилишида уларнинг номинал нархидан юқори тўланган қўшилган капитални I даражали қўшимча капиталга қўшилиш шартларига жавоб берувчи шуъба корхоналари томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалар, шунингдек озчилик улуш эгаларининг банк йўғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушларини ошириш имконияти мавжуд. Бу каби воситалардан кенг

фойдаланишда дастлаб мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Чунки, тижорат банкларида биринчи даражали қўшимча капитални, II даражали капитални ошириш имконияти қимматли қоғозлар бозоридаги ҳолатга боғлиқдир.

Банклар капитали қанча миқдорда бўлиши керак деган муаммони ҳал этиш учун, биз олдин, уни қандай ўлчанишини билишимиз лозим. Афсуски, ҳозирги кунда банк капиталини ўлчашнинг бир-қанча усулларида фойдаланилмоқда, натижада, баъзи ҳолларда ушбу кўрсаткичнинг миқдорларга ва тартибга солувчи ташкилотлар учун маъноси бир-бирига қарама-қарши бўлмоқда.

"Бухгалтериянинг умумқабул қилинган принциплар бўйича" капитални ўлчашда, капитал баланс қиймати бўйича баҳоланиши мумкин. Бунда банкнинг кўпчилик актив ва пасивлари балансда улар сотиб олинган, ёки чиқарилган қиймати бўйича баҳоланадилар. Вақт ўтиши билан, фоиз ставкаларининг ўзгариб бориши, айрим кредитлар ва қимматли қоғозлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги таъсирида, банкларнинг актив ва пасивларининг ҳақиқий қиймати, уларнинг дастлабки қийматидан фарқланиб боради. Айниқса, банкларнинг кўпчилик раҳбарлари учун бозор қиймати эмас, айнан, баланс қиймати ишончли ўлчов ҳисобланади:

Банкнинг баланс қиймати = банк активларининг баланс қиймати - банк пасивларининг баланс қиймати

Аммо, кредитлар ва қимматли қоғозлар ўз қийматини ўзгартирадиган даврларда, капиталнинг баланс қиймати жорий рисклардан ҳимоялашда ишончли индикатор бўла олмайди.

Бухгалтериянинг тартибга солувчи принциплари бўйича капитал юқорида келтирилган баланс қийматига муқобил тарзда банк капитали ўлчови тартибга солинадиган капитал ҳисобланади. Ташқи кузатувчиларга банк қиёфасини анча ишончли қилиб кўрсатиш мақсадида, айрим тартибга солувчи инстанциялар банк капиталини қуйидагича аниқлай бошладилар:

Банк капитали "бухгалтери янинг тартибга солувчи принциплари бўйича" = Акциядорлар капитали (оддий акциялар, тақсимлан аган фойда, захиралар) + Муддатсиз имтиёзли акциялар + Кредит ва ижарадан йўқотишларни қоплаш учун захиралар + Кейин оддий акцияга айлантириладиган субординар мажбуриятлар + Бошқалар (акциядорлик гувоҳномалари ва консолидациялашган филиал компанияларнинг назорат бўлмаган акциялар пакети)

Банк тизимини ўрганиш учун ҳам, банк мажбуриятини сотиб олувчи инвесторлар учун ҳам (шу жумладан омонатчилар) капитални бозор қийматида ҳисоблаш анча фойдали ҳисобланади:

Банк капиталининг бозор қиймати = банк активларининг бозор қиймати - банк пасивларининг бозор қиймати

Банклар ўз активларининг бозор баҳосини деярли ҳар куни қуйидаги формула орқали аниқлаши мумкин:

Банк капиталининг бозор қиймати = банк активларининг жорий курси х чиқарилган акциялар сони

Ўз-ўзидан кўринадик, йирик банклар учун банк капитали ҳажмини баҳолашда унинг бозор қийматидан фойдаланиш динамик баҳолашга эришиш имконини беради. Аммо, кичироқ банкларни капиталини баҳолашда ушбу усулдан фойдаланиш қийинроқ кечади, чунки улар активларининг бозорда нофаол олди-сотдиси бозор баҳосини аниқлаш имконини қийинлаштиради. Капиталнинг бозор қиймати ҳар бир банкнинг банкрот бўлишдан ҳимояланганлигини реал кўрсатиб беради.

Банк капитали қачонки ҳақиқий бозор қийматида ҳисобланса, омонатчилар ўз қўйилмаларини қайтиб олишлари учун банкда етарли маблағ борлигини баҳолайдилар, шундан келиб чиқиб, ўз маблағларини қайси банкка жойлаштириш бўйича рационал қарор қабул қиладилар.

Шундай бўлсада, банк капиталини “бухгалтериянинг тартибга солувчи принциплари бўйича” ўлчаш тартибга солувчи институтлар ва банк ходимларига ўз таъсири ўтказиб келмоқда.

Банкка зарурий даражада капитал миқдорини белгилаш банк амалиётида мунозарали масалалардан бири бўлиб келмоқда, хусусан, банк капитали стандартларини ким белгилаши лозим – бозорми, ёки тартибга солувчи инстанциялар? банк капиталининг етарли миқдори қанча?

Банк капиталининг ҳажми ўн йиллардан бери қаттиқ тартибга солиниб келинмоқда. Банклар

рўйхатдан ўтишлари учун минимал низом капиталига эга бўлишлари керак ва ушбу минимал даража ўзининг бутун фаолияти давомида таъминланиб туриши лозим. Тартибга солувчи ташкилотлар, шунингдек, капиталнинг мумкин бўлган турларини ҳам белгилайдилар. Айрим мутахассисларнинг фикрича, қуйидагилар банк капитали ҳажмини тартибга солишнинг асосий сабаблари ҳисобланади¹:

- банкларнинг банкротлик рискинни чегаралаш;
- банкларга жамоат ишончини таъминлаш;
- банкларни суғуртаси билан боғлиқ ҳукумат харажатларини чегаралаш.

Жаҳон ҳўжалик тизимидаги кескин тебранишлари даврида банк капиталини тартибга солиш масаласи ўз ечимини топишда ўтиш ҳолатини бошдан кечирмоқда. Ушбу янги тизимга мувофиқ банк капиталининг пастки чизиғи ўрнатилмоқда ва банк капиталини активларга нисбати, ушбу чегарадан пастга тушишига йўл қўйилмаслиги лозим. Капитал етарлигини баҳолашда қуйидаги нисбатлардан фойдаланилди:

- умумий капитал / умумий депозитлар;
- умумий капитал / умумий активлар;
- умумий капитал / рискли активлар жами.

Бунда рискли активлар нақд пуллар ва давлат қимматли қоғозларидан бошқа активларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини барқарор ривожланишини таъминлашда банкларнинг асосий кўрсаткичларини муттасил яхшилаш сиёсати қўлланилмоқда (2-жадвал).


2-жадвал

Ўзбекистон банкларнинг активлари, капитали ва инвестициялари[10]

	бирлик	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Банкларнинг умумий активлари	млрд. сўм	166631,8	272736,9	366121,1	444922,5	556746,3
Банк активларининг ўсиши (2018=1)	марта	1	1,64	1,34	1,22	1,25
Банкларнинг агрегат капитали	млрд. сўм	91 266,10	95 166,90	112 012,10	133 494,70	179 776,60
Агрегат капиталнинг реал ўсиши (2018=1)	марта	1	1,04	1,18	1,19	1,35
Банкларнинг умумий инвестициялари	млрд. сўм	2 277,00	3 157,20	9 447,70	19 633,70	31 507,90
Банклар инвестицияларининг реал ўсиши (2018=1)	марта	1	1,39	2,99	2,08	1,60

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда ўтган йиллар давомида банк капиталининг барқарор ўсиши - ривожланиш стратегиясининг муҳим таркибий қисми бўлган. 2023 йил 1 январь ҳолатига банк капитали 55746,3 млрд.сўмгача етказилиб, 2021 йилга нисбатан 111823,8 млрд.сўмга ортишига эришилган.

Банкнинг низом капитали 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра 4635,5 млрд.сўмга етказилган ва шундан 4627,5 млрд.сўми - оддий акциялар улушига ва 7,0 млрд.сўми - имтиёзли акциялар қисмига тўғри келганлигини кузатиш мумкин (1-расм)




1.-расм “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ устав капиталининг 2009-2022 йиллар мобайнидаги ўсиш динамикаси, млрд.сўм[12]

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, банк устав капиталининг энг кам миқдори 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб икки юз миллиард сўмни ва босқичма-босқич 2025 йил 1 январдан беш юз миллиард сўмни ташкил этиши лозимлиги белгиланган.

Капитални доимий равишда ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 июлдаги “«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик

тижорат банкининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-253-сон қарорини бажариш мақсадида, қўшимча “ОТБ билан 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга жалб қилиш ҳамда мазкур кредит маблағларини банк акцияларига конвертация қилиш имкониятини бериш бўйича битимни имзолаш”[12] режалаштирилган.



2.-расм “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ хусусий капиталининг 2009-2022 йиллар мобайнидаги ўсиш динамикаси, млрд.сўм[12]

Банкнинг сўнги 5 йилда хусусий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Банк хусусий капиталининг ўсиш динамикасида кескин капиталининг ҳажми 3,5 мартга ўсган.

Шунингдек, муомала муддати 2023 йилда “Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан жами 125 миллион АҚШ доллари миқдоридаги «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг қўшимча чиқарилган оддий акцияларига конвертация қилиш имконияти билан кредит линиялари жалб қилинди”[12].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сонли қарорига асосан, 10,0 млрд.сўмлик узоқ муддатли облигациялар муомалага чиқарилган ва тўлиқ жойлаштирилганлигини тадқиқотлар натижаси кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги №ПҚ-1317-сонли “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк акциядорларининг умумий йиғилишида тақсимланмаган даромад ҳисобига акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан низом капитали миқдорини мунтазам ошириш орқали билан банк устав капиталини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ этиш бўйича олиб борилётган ислохотларда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва соҳада корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масаласи муҳим ўрин тутди.

Республикадаги тижорат банкларининг барчаси бошқарув шакли банклар томонидан молиялаштириш манбаларини олиш имкониятини кенгайтиради, банк капитали қийматини пасайишига таъсир этади, операция фаолиятининг яхшиланишга, ресурсларни самарали жойлаштиришга ҳамда турли улушдорлар билан корпоратив муносабатларнинг юқори самарадорлигини таъминлайди

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банкларининг асосий капитали кундалик фаолият ва банкларнинг узоқ муддатли фаолиятини таъминлашда бир-қанча муҳим функцияларни бажаради ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий тизимидаги турли салбий тебранишлар шуни кўрсатдики, банкларнинг ҳуқуқий ва репутация рискин бошқариш тижорат банклари ва турли манфаатдор томонлар учун жуда катта аҳамиятга эга.

биринчидан, капитал банкротликдан сақлашда “қора кун учун керакли пул” сифатида хизмат қилади, юзага келган муаммоларни ҳал қилингунча жорий йўқотишларни қоплайди;

иккинчидан, етарли миқдорда депозитларни жалб қилингунча, банкни ташкил этиш, фаолият юритиши учун зарурий маблағ билан таъминлайди. Янги очиладиган банкка жой олиш, қурилиш ёки ижара тўлови, асбоб-ускуна ўрнатиш ва персонални ёллаш учун банк очилишидан олдин ҳам маблағлар зарур

бўлади;

учинчидан, капитал мижозларни банкка бўлган ишончини оширади ва кредиторларни банкнинг молиявий имкониятига ҳеч шубҳа қолдирмайди. Капитал банк қарздорларини кредитга бўлган талабини қондиришга қодирлигига ишончни таъминлайдиган даражада йирик бўлиши лозим;

тўртинчидан, капитал банкни ташкилий ўсиши, янги хизматларни яратиш, дастур ва ускуналарни харид қилиш маблағ билан таъминлайди. Ўсиш даврида банк янги хизматларни кўрсатиш ва янги қувватларни ишга тушириш билан боғлиқ рисклардан ҳимояланиш учун қўшимча капиталга эҳтиёж сезади. Қўшимча маблағларни жалб этиш, банкларга янги офислар қуриш ва хизматлар доирасини кенгайтириш учун зарур бўлади;

ва ниҳоят, капитал узоқ муддатли истиқболда ҳаётийлик ва ўсиб боришни таъминлашга регулятор бўлиб хизмат қилади.

Айрим тижорат банкларининг нобарқарор ҳолати улар томонидан қонунчилик, тартибга солувчи йўриқнома ва ахлоқий кодексларга амал қилмаслик ҳолатлари билан бевосита боғлиқдир. Кўплаб банклар ички назорат жараёни ва рискларни бошқаришни такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Республикамиз банк тизимида корпоратив бошқарув анъаналари етарлича мустаҳкам шаклланмаган бўлсада, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича бир қатор ижобий силжишлар юз бераётганлиги қайд этиш лозим.

биринчидан, банк капитали ва уни бошқариш масаласи таҳлили бўйича тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тартибга солувчи институтлар институционал рискни пасайтириш мақсадида, молиявий бозорлардаги кредитлар ва бошқа рискли активлар тахминан банк капитали даражасида бўлишини талаб қиладилар. Кредитлар ва депозитлар жуда тез кенгайтириладиган бўлса, унда банклар бозорлардан ва тартибга солувчи инстанциялардан, ёки ўсишини секинлаштириш, ёки қўшимча капитал жалб қилиш зарурлиги тўғрисида сигнал ола бошлайди. Тегишли институтлар томонидан капиталини ҳолатини тартибга солиниши, банк фаолиятида юзага келадиган рисклар даражасини чегаралашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Банкнинг жалб қиладиган ва фойдаланадиган маблағларини диверсификация қилиш, рискларни пасайтиришнинг усулларида бири ҳисобланади. Банклар рискни пасайтириш учун одатда икки хил – портфель ва географик диверсификацияни қўллайдилар. Изланишлар натижасида банк капиталини ҳақиқий бозор қийматида ҳисобланиши, омонатчилар ўз қуйилмаларини қайтиб олишлари учун банкда етарли маблағ борлигини баҳолаши учун ишончли усулдир;

иккинчидан, Ўзбекистонда банк тизимини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиши истиқболда режалаштирилсада, ушбу стратегик мақсадга эришгунча, тижорат банклари манфаатдор томонларни зарурий маълумот билан таъминлайдиган ўз ахборот мажмуаларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ. Бунда, тижорат

банклари корпоратив бошқарувни такомиллаштириш учун томонларга зарурий маълумотлар очиқлигини таъкидлашдан манфаатдор бўлиши зарур;

учинчидан, банк менежменти ва ходимларини рағбатлантириш тизимини шакллантиришда банк бонуси тизимидан фойдаланиш, рағбатлантириш пакетини тўғридан-тўғри даромад кўрсаткичларига ва ҳатто EVAга боғлаб қўйиш амалиётини қўллашга имкон беради. Бу менежерларни узоқ муддатли истиқболли ўсиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилишига таъсир этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Western and Eastern practices in banking // American Economic Journal: Applied Economics. Vol. 8, Issue 3, 2020. Scopus, (ISSN: 1945-7782).*
2. *Analysis of bank liquidity and asset quality // Annals of Economics and Finance. Vol. 8, Issue 4, 2018. Scopus, ISSN: 1529-7373.*
3. *Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка. - М.: КНОРУС, 2021. 580 с.*
4. *Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. - Москва: Вазар-Ферро, 2018. - С. 218-*

- 276.
5. *The impact of asset quality on bank risk management // Asian Academy of Management Journal of Accounting and Finance. Vol. 6, Issue 6, 2021. Scopus, ISSN: 1823-4992.*
6. *Соколинская Н., Лаврушина О.И. Банковское дело. - Москва: ФинС, 2020. - С. 101-102.*
7. *Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. - СПб.: "Санкт-Петербург Оркестр", 1994. - С. 90-93.*
8. *Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент: БМА, 2002. - 19 б.*
9. *Розукулов У.У. Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Ташкент: БФА, 2002. - 21с.*
10. *Ўзбекистон Республикаси Маркази банки маълумотлари, www.cbu.uz*
11. *<https://www.bis.org/bcbs/basel3.htm>*
12. *Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ маълумотлари*